

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари

ёшлар таълим-тарбиясида алоҳида аҳамиятга эга



ҲАФТАЛИК

Ҳасан ПАРДОЕВ ошган сурат.

Бугун ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш мушкул. Барча соҳа ривожда ҳам ана шу замонамиз мўъжизаси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, кутубхона тизимининг компьютерлаштирили-

ши юртдошларимизнинг керакли адабиётлар билан танишиш, қулай ва тезкор ахборот олиш имкониятларини янада кенгайтираётир.

(Давоми 3-бетда).



Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари

ёшлар таълим-тарбиясида алоҳида аҳамиятга эга

▲ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва Биринчи Президентимизнинг 2011 йил 23 февралдаги “2011 — 2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ислохотларни юқори босқичга олиб чиқди.

Пировардида зие масканлари янги нашр қилинган адабиётлар билан бойитилиб, соҳага илғор технологияларнинг жадал кириб бориши, хусусан, компьютер ёрдамида уларнинг электрон нусхаларини яратиш, масофадан туриб ўқитиш сингари тезкор фаолият турлари жорий этилди.

Бу жиҳатлар кеча пойтахтимизда ниҳоясига етган “INFOLIB — 2016” V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасидаги қатор тадбирларда яна бир карра ёрқин намоён бўлди.

Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ҳафталиқдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг мутолаа маданиятини юксалтириш, маданий-маънавий меросимизни асраш, ахборот-кутубхона фойдаланувчиларига интернет орқали сифатли хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтиришдан иборатдир.

Бу йилги анжуманда юртимизнинг турли худудлар, вазирлик ва идора-

лар таркибидаги ахборот-кутубхона масканлари фаолиятини кенг ва атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, илғор иш тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Унинг ранг-баранг ва қизиқарли тадбирларида ўқувчилар, талабалар, китобхонлар фаол қатнашди. Соҳа мутахассислари иштирокидаги “Мустақилликнинг 25 йили: минтақалар ривожланиши динамикаси” номли видеомулоқот, “Энг яхши ахборот-кутубхона муассасаси мутахассиси — 2016” танлови, “Ахборот-кутубхона ресурслари каталогизациясининг долзарб масалалари” мавзuidaги тренинг, “Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасаларининг библиографик фаолияти: ривожланиш истиқболлари” мавзuidaги ўқув-семинар, “Замонавий ахборот технологиялари асосида ахборот-кутубхона ресурсларини сақлаш, реставрация ва консервация қилиш, электрон базасини яратиш” мавзuidaги ўқув-семинар, “Ахборот-кутубхона соҳасида маркетинг” номли тренинг каби тадбирларда долзарб масалалар муҳокама қилиниб, соҳани ривожлантиришга доир вазифалар белгиланди.

Эътиборлиси, ҳафталикнинг ҳар бир кун алоҳида йўналишда номланди. Жумладан, “Очиқ эшиклар”, “Ижод”, “Кўрик-танловлар”, “Билимлар ва хорижий тиллар”, “Маданиятлар ҳилмаҳиллиги” каби шиорларда учрашувлар, анжуманлар уюштирилди.

Миллий кутубхона, Халқ таълими вазирлиги, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигидаги “Ўқувчининг ахборот маданияти” номли ўқув-методик мажмуаси тақдимоти 1 — 4-синф ўқувчиларининг китобхонлик, интернет ва бошқа манбалардаги маълумотлардан фойдаланиш маданиятини оширишга хизмат қилган бўлса, “ZiyoNET” тармоғида масофавий таълим воситалари” номли ўқув дастурлар тақдимоти педагоглар, талабалар, мак-

таб ёшидаги ўғил-қизлар учун бирдек қизиқарли бўлгани, шубҳасиз.

— Ҳафталик доирасидаги тадбирлардан олам-олам таассурот олдим, — дейди пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумтаълим мактаби ўқувчиси Жавохир Жўраев. — Айниқса, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, олимлар, шунингдек, “Рио — 2016”да голиб бўлган спортчиларимиз иштирокидаги мулоқотларда фаол қатнашдим. Келажакда ўзим ҳам юртимиз раванқига ҳисса қўшадиган мутахассис бўлиб ётишишни мақсад қилдим.

Тадбирлар давомида турли танлов ва кўргазмалар ҳам етакчи ўринни эгаллади. Хусусан, хорижий давлатларнинг элчихоналари, Британия кенгаши, Тошкентдаги Гёте институти билан ҳамкорликдаги анжуманларда илғор маърифий дастурлар ҳақида тўла қонли маълумотлар берилди, зие масканлари ўртасидаги “Энг яхши ахборот-кутубхона муассасаси мутахассиси — 2016” танлови, Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари, касб хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг “Китоб уммони бўйлаб саёҳат” адабий савол-жавоб ўйини, “Таълим соҳасида ҳуқуқингизни биласизми?” викторинаси, “Юртим — менинг расмларимда деб номланган болалар расмлари “Ўзбекистон келажаги — менинг те саввуримда” деб номланган адаби танловлар натижалари ҳам эълони қилинди.

Тадбир доирасида халқ амали санъати бўйича семинар-тренинг дўмакорлик, гиламдўзлик ва кашт дўзлик бўйича маҳорат сабоқлар ўтказилди, шунингдек, озарбайжон рус, уйғур, поляк, татар, қозоқ ва корейс миллий маданият марказлар бадий жамоалари иштирокида концерт намоиш этилди.

Омонулла ФАЙЗИЕ
«Халқ сўзи» мухбир